ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Иноятова Насиба
Композитор, мустақил тадқиқотчи
https://doi.org/10.5281/zenodo.21609380

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек эстрада санъатининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Эстрада атамасининг мазмун-моҳияти, унинг миллий мусиқа маданиятида тутган ўрни ҳамда халқ мусиқаси анъаналари билан узвий боғлиқлиги ёритилган. Шунингдек, XX асрнинг 20–30-йилларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, мусиқий театр ва концерт жамоаларининг ўзбек эстрадаси тараққиётига қўшган ҳиссаси, Тамарахоним ва Муҳиддин Қори Ёқубов каби санъаткорларнинг фаолияти таҳлил этилган. Замонавий эстрада санъатида миллий қадриятларни асраш, профессионал ижрочилик мезонларини ривожлантириш ва миллийликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар

Ўзбек эстрадаси, мусиқий эстрада, поп-мусиқа, халқ мусиқаси, фольклор, қўшиқ, ялла, лапар, миллий мусиқа, концерт фаолияти, мусиқий театр, Тамарахоним, Муҳиддин Қори Ёқубов, композиторлик ижоди, миллий қадриятлар, шоу-бизнес, мусиқа маданияти

Маълумки. XX аср Ўзбек мусиқа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлди, «ноанъанавий» бастакорлик ижодиёти ҳамда янги концерт шакллари юзага келди. Шу муносабат билан мусиқий маданиятга ҳам “эстрада” тушунчаси кириб келди. Дастлабки пайтларда унинг қўлланиш доираси ниҳоятда кенг бўганлиги билан тавсифланади.

Магистрлик диссертациясида “эстрада” атамасини саҳнавий санъат кесимида талқин этилар экан, унинг белгиловчи фазилатлари сифатида “жонли, ўзига хос содда мусиқий шакллар, гоҳида муаллифларнинг ёрқин, шунингдек, жўнлаштирилган интонацион айланма ҳамда “оммавий” рақсбоп усулларга ёндашувлари” алоҳида таъкидланади. Ушбу фикрлар ўзбек мусиқа маданиятининг, асосан, 1920-1950 йилларига тааллуқлидир[1].

Демак, мусиқа маданиятида “эстрада” атамаси «тор» маънода маълум ижро ва бадиий унсурлар бирлигига асосланган мусиқа намуналарини ифода этади.[2]

Шундай қилиб, “эстрада” сўзининг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда, яъни уни кенг маънода, умумий “саҳна санъати” тушунчаси сифатида ва тор маънода “мусиқий эстрада”, яъни махсус тайёргарлиги бўлмаган тингловчи осонгина тушуна оладиган (жўн), ҳордиқ чиқариш мақсадларига хизмат қилувчи шаклан ва мазмунан оддий, тез эсда қоларли куй ва асосан, рақсбоп усулларни мужассам этган мусиқа намуналар хисобланади.

Назаримизда, “мусиқий эстрада” атамасини тор маънода қўллашда «поп-мюзик» атамаси билан тенг маънода ва мазкур кўринишда ижод этилган асарларни мусиқий соҳа даражасида ажратиш каби қулайлкка эришилади. Айни пайтда атамалардаги бир-бири билан узвий боғиқлик ва фарқ ҳам бартараф этилиши мумкин.

Маълумки, ўзбек эстрада мусиқаси нисбатан навқиронлигига қарамай, муайян (тахминан эллик йиллик) тарихий асосга эга. Унинг шаклланиши ва дастлабки давр

[1] Ғофурбеков Т.Б. Ўзбекистон мусиқа маданияти” – Т., 2019.
[2] Умаров М. Эстрада ва оммавий томашалар тарихи. – Т. 2009, 278-б.

тараққиётида ҳал қилувчи улушларини қўшган санъаткорлар хизматини бирма-бир аниқлаб, уларга алоҳида муносабат билдирган ҳолда таҳлил ва тадқиқ этиш лозим.

Ҳозирги замон эстрада мусиқаси ўта мураккаб жараёнларни кечираётган бир пайтда, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва ибратли анъаналарни тиклаш масаласи алоҳида ахамият касб этмокда.

Маълумки, XX аср фан ва техникаси тараққиёти, сиёсий-ижтимоий омилларининг мафкуравий ва таъсирчан кучи барча оммавий санъатлар қатори эстрада кўшикчилик сохасини олдинга суриб чиқарди. Мазкур санъатнинг ниҳоятда ҳозиржавоблиги ва ҳамиша ўзгарувчанлиги – замон талабларига мосланувчан табиати, ижобий ютуқлари билан бир қаторда, мустақиллик даври санъати тизимига путур етказуви салбий ходисаларни ҳам ўз ортидан етаклаб келди.

Хусусан, бозор муносабатларига ўтиш жараёни маълум маънода эстраданинг «шоу-бизнес» тизимига айланишига сабаб бўлиб, мазкур санъатнинг асл мохиятини акс эттирувчи профессионал ижрочилик мезонлари деярли йўқолишига олиб келди.

Ҳукуматимиз томонидан охирги йилларда эстрада санъатига кўрсатилаётган катта эътибор, унинг олдида кўп йилликлар давомида тўпланиб колган ижодий ва назарий муаммоларни бартараф этишга каратилган тадбирлар самара бериб улгурмай, амалда турли мунозаралар пайдо булиб, ушбу масала ҳануз мураккаблиги билан колмокда.

Ўзбек мусиқий эстрадаси шаклланиши жараёнида фольклор намуналари муҳим замин бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда қўшиқ, лапар ва айниқса шўх яллаларнинг рақсбоплиги, енгил оҳанг-усуллари мисол бўла олади.

Айни пайтда бу ҳолат “ўзбек мусиқий эстрадаси”нинг миллийлик асосини ҳам таъминловчи воситалардан бўлди.

Республикамизда 1924-йили ташкил топган бу йўналишдаги мусиқа санъатини белгиловчи “эстрада” атамаси қўлланилди. XX аср бошларида ўзбек мусиқа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлганлигининг тарихий сабаби шунда деб билиш лозим.

Янги ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси билан Европа мусиқа санъатига хос композиторлик ижодиёти ва шу билан бирга, янги концерт шакллари юзага келди. Айнан шу муносабат билан миллий мусиқа санъати дарғалари хам “эстрада” тушунчасини маданий муомаламизга кириб келишига тўсқинлик қилмади десак хато бўлмайди.

Дастлабки йилларда жамият ҳаётини сиёсийлаштириш, кенг омма онгига таъсир ўтказиш мақсадида бадиий ижодиётнинг тарғиботи орқали эришилди. Бунда энг қўл келган мусиқий жанрлардан бири қўшиқ бўлди. Анъанавий ўзбек қўшиқлари-ю, ялла-лапарлари оилавий шарт шароитлардан жамиятнинг сиёсий саҳнасига олиб чиқилиб, дастлаб мавзу жиҳатидан янгиланди, сўнгра шакллари ҳам ўзгара бошлади.

Айнан 1920-30-йилларда бу каби қўшиқларнинг фаол ижрочилари Тамарахоним ва Муҳиддин Қори Ёқубов ўша кезларда танилдилар. Тамарахоним ижросидаги лапарлар, гарчанд ўз негизида сахнавийлик билан тавсифланса хам унинг янада саҳнага хослик жихатлари бойитилди. Қори Ёқубов билан айтишув шаклида ижро этиладиганлар мазкур жанр яккахон тарзда, навбатма-навбат ижро этила бошланди. Бу каби янгиланишлар қўшиқ ва ялла жанрлари ижросида хам юз берди.

Ўзбек эстрада мусиқаси шаклланиши жараёнида анъанавий халқ мусиқа намуналари мухим замин бўлган. Бунда, асосан, уларнинг рақсбоплиги, енгил оҳанг-усулларда ижро этилгани қўл келган. Айни пайтда бу ҳолат ўзбек эстрада мусиқасининг миллийлик асосини ҳам таъминловчи мухим воситалардан бири бўлди.

1920-30-йилларда ўзбек эстрада мусиқасининг шаклланиш жараёнларида мусиқий театр жамоаларининг хизмати чексиз, албатта. Чунки, юқорида қайд этилган йилларда фаолият юритган мусиқий труппаларнинг репертуарида нафақат сахнавий

асарлар, балки махсус тайёрланган концерт дастурлари ҳам мавжуд эди. Бундай жамоларга Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигидаги ўзбек давлат концерт этнографик труппаси[3] (1926-27), Қўқон мусиқий-драматик труппаси (1927), Андижон худудий ўзбек давлат труппаси (1928-й.), ўзбек давлат мусиқий ансамбли (1929), ўзбек давлат мусиқий театри (1929), кабиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек, янги жихатлар билан бойиб келаётган оммавий санъат турини тарғиб этишда 1927-йили ташкил этилган Тошкент радио[4] қўмитасининг хизмати ҳам катта бўлди.

Жонли ижрода тингловчиларга тақдим этилган анъанавий мусиқа намуналарини Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамбл ижро этган. Мазкур ансамбл таркибига ўша йилларда тошкентлик хонанда ва созанда Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шорахим Шоумаров, Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, Хайрулла Убайдуллайев, Карим Зокировлар каби машхур ижрочилар таклиф этилди.

Гарчанд ансамбл ижросидаги дастурнинг салмоқли қисмини мақомларнинг ашула ва чолғу йўллари ташкил етса-да. композиторларнинг янги мавзудаги қўшиқлари ҳам алохида ўрин эгаллай бошлади. Бундай тоифадаги қўшиқларга “Фабрика”, “Бирлашинг”, “Ҳаммамиз”, “Колхоз марши” ва бошқа қўшиқларни айтиш мумкин.

Янги ўзбек эстарада мусиқасининг жадал шаклланишига хизмат қилган тадбирлардан яна бири – мунтазам ўтказилган декадалар, фестиваллар ва санъат олимпиадаларидир. Бу каби сиёсий тадбирларга , масалан, 1920-йида ўтказилган “Шарқ кечаси” 1924-йилнинг Бутун иттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси – Москва, 1923-йилда Москвада ўтказилган 1937-йилда декада ва бошқалар мисол бўлади. Таъкид этилган тадбирларда таниқли хонанда ва созандалар ижросида махсус тайёрлаган намунавий дастурлари намойиш этилган. Шунингдек. ушбу жараёнда хаваскор жамоаларнинг ҳам фаолияти катта бўлганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Чунки, бундай жамоаларда ўзининг касбий йўналишини олган ва кейинги даврларда халқимиз севиб ардоқлаган қатор созанда ва бастакорлар. жумладан, Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Наби Хасанов, хонандалар Очилхон Отахонов, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров ва бошқалар етишиб чиққан.

1930-йилларда ўзбек эстрада мусиқасининг шаклланишида асосий вазифаларни ўз зиммасига олган ташкилотлар, бу - Ўзбекистон давлат мусиқа эстрада ва цирк бирлашмаси (1931-1936) Ўзбекистон давлат эстрада ва Ўзбекистон Давлат филармонияси (1936-1938) ва бошқалар эди.

Дастлабки мусиқали ўзбек филмлари учун яратилган оханглар эстрада мусиқаси талабларига анчагина мос қўшиқлар бўлганлигини таъкидлайди санъатшунос олим С.Вохидов. Жумладан, ўзбек композиторлари қаламига мансуб М.Бурхоновнинг “Дўппи тикдим”, “Тошкент хақида қўшиқ”. “Мафтун бўлдим”, Манас Левиевнинг “Сартарош қўшиғи” (“Мафтунингман” кинофилимидан), Икром Акбаровнинг “Баҳор қўшиғи” каби элнинг дилидан жой олган қўшиқлар бир томондан, миллий мусиқа анъаналаримизни давом эттирса, иккинчи томондан, уларда валс, марш мусиқасига хос жиҳатлар намоён бўлди. Бу эса замонавий ўзбек эстрада қўшиқчилигини яратишда ўзига хос босқич сифатида баҳоланиши мумкин.

Хусусан 1958-1972 йиллари муайян ижодий муҳитни кашф этган Ўзбек давлат эстрада оркестри (илк раҳбарлари – композитор Шариф Рамазонов, композитор ва дирижёр Альберт Малахов, хонанда Ботир Зокиров) бунинг тамал тошини пухта ўрнатишга муяссар бўлишди.

Фақат маҳаллий ижодкорлар билан чегараланмай, Москвадан Александр Двоскин, айниқса Ян Френкель каби тажрибали дирижёр ва композиторлар

[3] Мазкур труппа илк бор М.Қориёқубов ва Тамарахонимлар бошчилигида 1926-йили ташкил қилинди. Илк концерт асарлари мазкур труппада намойиш қилина бошлади.
[4] Илк радио 1927-йили тошкет шахрида фаолият бошлади.

мазкур жараёнга жалб этилди. Натижада асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон мусиқий эстрадаси тубдан янги бир анъана – ўзигагина хос ўзбекона эстрада қўшиқчилиги кириб келди. Булар дастлабки паллаларда:

- ўзбек фолклори аранжировкалари,
- жаҳон, хусусан шарқ халқлари фолклори аранжировкалари,
- мустақил яратилган қўшиқлардан иборат эди.

Ш.Рамазонов қайта ишлаган биринчи гуруҳдан:

✓ "**Наманганнинг олмаси",**
✓ **"Эй, меҳрибоним**"

Кейинроқ Энмарк Солиҳов қайта ишлаган "**Қиз бола"** ва бошқалар ўрин олган.

Иккинчи тамойилни эса Ўзбек хонандалик санъатининг вакили **Ботир Зокиров** илк бора талқин этган Ҳинд, Араб (Миср, Сурия, Ироқ, Ливан) халқ қўшқлари ташкил этди. Булар орасида ҳануз таъсирчанлигини йўқотмай келаётган Я.Френкель аранжировкасидаги қуйидаги дурдоналар мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиз.:

✓ "**Арабча танго**"
✓ **"Уйқум ўғриси**" (Миср**)**
✓ **"Маро бебус**" (Эрон)

Ниҳоят, учинчи турдаги асарлар – Ўзбекистон композиторлари қаламига мансуб илк ўзбек эстрада қўшиқларидир. Анъанани бадиий мукамаллик даражасидаги муаллиф Икром Акбаров бўлсада, бу борадаги дастлабки харакатлар қуйидаги жонкуяр ижодкор ларнинг ижодий тажрибалари билан боглиқлигинй эътироф этиш ўринлидир:

✓Ш.Рамазонов, ("Дилрабо")
✓С.Юдаков ("Карнавал вальси")
✓ М.Бурҳонов ("Мафтун бўлдим")

1970 йилги М.Уйғур номидаги ТТРСИ Ўқув театри раҳбари Г.Рожков ва композитор Евгений Ширяевлар ташкил этган "Ялла" давлат вокал-чолғу ансамбли шаклланиши ва умуман мусиқий эстрадамизнинг кейинги одимлари, хусусан ижодий ва ижровий ютуқлари юқорида таъкидланган бой анъаналар билан узвий боғлиқдир. Буни, ҳозирги кунда нафақат кенг тингловчилар доирасида, балки мутахассислар орасида ҳам ижобий баҳоланиб келаётган хонандалар – Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Икром Мироқулов, Абдулла Ҳомагруфов ва Бахтиёр Қобиловлардан ташкил топган "Ялла" ансамблининг "Нола" ансамбли каби янги давр гуруҳлар репертуари мисолида яққол кузатиш мумкин. Бундай ижро, аниқроғи уларнинг моҳияти, асл сабаби, моҳир дирижёр Ю.Темирканов таъбири билан айтганда[5] ноталар, умуман товушлар ва улар орасидаги теранликни тўла англаш, тингловчиларга етказиб беришдадир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек эстрада мусиқасининг истиқболи албатта унинг узоқ ўтмишига хам боғлиқдир. Шу каби узоқ тарихий жараённи босиб ўтган мазкур жанр бугунги кундаги асл кўринишига етиб келди.

Юқорида номлари келтирилган ижодкорларнинг мардонавор хизматлари ва мехнатлари натижасида мазкур санъат турининг бир томондан, жанр ва услубларини бойиши ва ижодий қўлланиши, иккинчи томондан – жаҳондаги замонавий мусиқа йўналишлари ва технологиялари билан интеграциясига ва жахон эстрада мусиқакси билан тенгма-тенг бўла оладиган даражага етиб келди.

[5]Юрий Темирканов билан интервью. // Аргументы и факты. 2006. № 31 (август).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Амануллаева Д. Эстрада ва жаз вокализлари. – Т., 2014.
2. Амануллаева Д. Эстрада хонандалиги. – Т.: Мусиқа, 2015.
3. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. – Т.: Санъат, 2010.
4. Амануллаева Д. «Эстрада ва жаз вокализлари» ОТМ учун ўқув қўлланма, Т., 2014.
5. Амануллаева Д. «Эстрада хонандалиги» магистратура учун ўқув қўлланма, ,Т., «Мусиқа», 2015.
6. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. Т.: Санъат, 2010.